# ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Манба: ПФ–6313-сон, 14.09.2021 й.**

**@huquqiyaxborot**

## 2021 йил 1 декабрдан қуйидагилар бекор қилинади:

банкларга **етказилган маҳсулот учун тўловларни** учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилган тақиқ

давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўп хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларида **тўловни олдиндан белгилашга доир талаб**

қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилари ва тайёрловчилар ўртасидаги шартномаларда **авансни мажбурий белгилашга доир талаб**

Жисмоний шахсларга қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаб **чет эл валютасида қарз бериш ва олишга** рухсат берилади

## 2022 йил 1 январдан:

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн аукционда сотувга қўйилган мол-мулк уни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан **аукцион ғолибига қарзларсиз ва тақиқлардан ечилган ҳолда** топширилади
- шартнома тарафи **иккинчи тарафдан шартнома мажбуриятларини бажаришни қабул қилганда,** уни кейинчалик ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли эмас
- давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда **мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар** белгиланади
- **тадбиркорлар солиқ ва божхона тўловлари бўйича қарздорликни тўламаганда,** солиқ ёки божхона органлари банкка қарздорликка тенг пулни музлатиб қўйиш ва уни 30 кундан сўнг ундириш тўғрисида фармойиш юборади ва бу ҳақда тўловчини хабардор қилади
- коммунал, энергия, алоқа хизматлари, йўловчи ва юкларни ташишга оид **табиий монополиялар ишлаб чиққан шартномалар** монополияга қарши курашиш органи билан келишилади



Электрон савдо майдончалари орқали маҳсулотлар олди-сотди қилинганда ва бошқа битимлар тузишда **эскроу тизими жорий этилади**

2022/2023 ўқув йилидан **ОТМда ўқитиш бўйича шартномалар электрон шаклда** тузилади

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузишда қўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган **коррупцияга қарши қўшимча шартлар** ишлаб чиқилади

шартномалар намуналари **“yurxizmat.uz” махсус ахборот порталига** жойлаштирилади.